

БУЗОЦ ВА ҚЎЗИЛАРНИ КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯ ЦИЛИШ

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда асосий бўғинга айланаёт- ган шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини янада ривожлантиришни ҳаётнинг ўзи тако- зо этмокда.

Сохани ривожлантириш ва самардорлигини ошириш кўп жиҳат- дан чорва бош сонини кўпайти- риш, маҳсулдорлигини ошириш, наслини яхшилаш, тўғри парва- ришлар, турли касалликлардан сақдаш каби омилларга боғлиқ. Ёш молларнинг бактериал юқумли ка- салликлари жиддий зарар етказиши. Айниқса, пастереллёз, сальмонеллёз, колибактериоз каби юқумли касалликларга қарши самарали курашиш муҳим аҳамиятга эга.

Колибактериоз — ёш молларнинг ҳолсизланиши, тана ҳароратининг 40,5—41 °C гача кўтарилиши, ич кетиш (суюқ, қонли, йирингли), бар- ча шиллиқ пардаларининг оқариши кузатилади. Касал- лик 5-7 кун давом этиб, да- воламаса ўлим билан ту- гайди. Мазкур касаллик билан ёш молларнинг 75—80 фоизи касалланади.

Касалликни даволаш учун касал бузоқ ёки қўзи дарҳол ажратилиб, гипер- иммун қон зардобидан 100 кг тирик оғирлигига 10 мл мивдорда 3 кун давомида даволаш ишларини ўтказиш лозим. Касал бузоқ ва қўзи- ларни даволаш учун Оксамп ёки Энрофлоркс 5 фоизли антибио- тикларидан 1 мл дозада бир кунда 2 марта инъексия қилинади.

Касалликнинг олдини олишда соғлом ва касал бузоқларга бери- ладиган сутни пастеризация қилишнинг аҳамияти катта. Касал- ланган қорамоллар сути бузоқлар- га берилмайди. Профилактика си- фатида институтимизда яратилган колибактериоз касаллигига қарши вакцинадан 1 йилда бир маротаба бузоқларга 5, қўзиларга 3 мл. дан тери остига йўриқнома асосида эмлаш яхши самара беради.

Сальмонеллёз (паратиф) билан кўпроқ 10-30 кунлик бузоқлар ов- кат ҳазм қилиш ҳамда нафас олиш

органлари орқали касалланади. Ка- салланган бузоқларнинг тана ҳаро- рати 41 °C гача кўтарилади, нафас олиши тезлашади, ич кетади ва унда қон излари пайдо бўлади. Касал бузоқлар тезда орикдаб, акса- рияти нобуд бўлади.

Даволаш учун касалланган бузоқ ёки қўзи дарҳол ажратилиб, гипер- иммун қон зардобидан 100 кг тирик оғирлигига 10 мл микдорда 3 кун давомида даволаш ишлари ўтказилади. Бунда Оксамп ёки Эн- рофлоркс 5 фоизли антибиотиклари 1 мл дозада бир кунда 2 марта инъексия қилинади.

Касалликнинг олдини олишда бузоқ, қўзи ва чўчка болаларининг колибактериоз ва сальмонеллёз ка- салликларига қарши институтимизда ишлаб чиқарилаётган вакцинадан биринчи марта 2, 14 кундан сўнг иккинчи маротаба 3 мл. дан тери

ҳида ўрин тутати. Касалланган қорамоллар сутини бузоқларга умуман бермаслик зарур. Шунингдек, ГОА формол вакцинадан биринчи марта бузоқларга 3, қўзиларга 2 мл. дан, иккинчи марта 14 кундан сўнг бу- зоқларга 5, қўзиларга 3 мл. дан тери остига эмлаш мақсадга мувофиқ.

Бузоқ ва қўзиларни касалликлар- дан ҳимоя қилишда қуйидагиларга эътибор қаратишни тавсия этамиз:

1. Ҳайвонлар бўғозлик даврида озуқа рационига катта эътибор бе- риш лозим. Чунки бўғоз ҳайвон организмиде ривожланаётган томила учун витамин, минерал модда- лар талаб этилади. Эндигина туғил- ган бузоқ ва қўзилар касалликларга чидамсиз бўлади.

2. Ҳайвонларни туғишидан бир ой олдин колибактериоз ва сальмонеллёз касаллигига қарши вакцина билан биринчи марта қорамоллар 5, иккинчи марта 14 кундан сўнг 5 мл, совлиқлар биринчи марта 2, иккинчи марта 14 кундан сўнг 3 мл тери остига эмлаш мақсадга мувофиқ. Бузоқларни биринчи марта 2, иккинчи марта 14 кундан сўнг 3 мл, қўзиларни биринчи марта 1, иккинчи марта 14 кундан сўнг 2 мл микдорда эмлаш зарур.

Республикаимизнинг ай- рим ҳудудларида апрель- май ойларида пастереллёз касаллигининг кўп учраши кузатилади. Ушбу касалликнинг олдини олиш мақса- дида апрелнинг ўрталарида пастереллёз касаллигига қарши вакцина билан эмлаш керак. Бу- нинг учун қорамолларга биринчи марта 3, иккинчи марта 14 кундан сўнг 5 мл, қўйларга биринчи марта 2, иккинчи марта 14 кундан сўнг 3 мл микдорида тери остига эмлаш лозим.

Таъкидлаш жоизки, бир доза вакцина ўртача бир бош қорамол учун 800, бир бош қўй учун 400 сўмга тўғри келади. Ҳайвонлар ка- салланганда эса уларни даволаш учун камида 40-50 минг сўм сарф- ланади. Шунингучун ҳам касалликни даволагандан кўра, олдини ол- ган маъқул.

Б. ЭЛМУРОДОВ,
в.ф.н., (ЎзВТИИ)



остиға эмланади.

Пастереллёз — геморрагик сеп- тцемия, сут эмизувчилар ва пар- рандаларнинг юқумли касаллиги бўлиб, ўткир кечганда септицемия, ярим ўткир ва сурункали кечганда эса кўпроқ ўпканинг зарарланиш белгилари намоён бўлади.

Даволаш учун гипериммун қон зардобидан 100 кг тирик оғирли- гига 10 мл микдорда 5 кун давомида юборилади. Бунда Оксамп ёки Энрофлоркс 5 фоизли антибиотик- ларидан 1 мл дозада бир кунда 2 марта даволаш курси ўтказилади.

Соғлом ва касал бузоқларга пас- теризация қилинган сут ичириш касалликнинг олдини олишда ало-